




ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУД ҚАРОРЛАРИНИ ҚАЙТА КЎРИШ ИНСТИТУТИНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ ШАКЛЛАНИШИ

Назаров Зафар Сафарбоевич

"НАЗАРОВ ЗАФАР САФАРБОЕВИЧ"

адвокатлик бюроси адвокати,

ТДЮ мустақил изланувчиси

+998998411060

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18677486>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 31-yanvar 2026 yil
Ma'qullandi: 12-fevral 2026 yil
Nashr qilindi: 18-fevral 2026 yil

KEY WORDS

Жиноят-процессуал ҳуқуқи, суд қарорлари, ретроспектив таҳлил, апелляция, кассация, тафтиш инстанцияси, суд ислохотлари, қонуний куч, адолат тамойили, тарихий босқичлар, ҳуқуқий мерос.

ABSTRACT

Ушбу мақолада жиноят ишлари бўйича суд қарорларини қайта кўриш институтининг тарихий тараққиёти ва ретроспектив шаклланиши таҳлил қилинади. Тадқиқот давомида суд қарорларининг қонунийлиги ва адолатлилигини таъминлашга қаратилган ушбу институтнинг турли тарихий даврлардаги ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, миллий қонунчиликнинг эволюцион ривожланиш босқичлари ёритиб берилган. Муаллиф томонидан апелляция, кассация ва тафтиш инстанцияларининг шаклланиш жараёни қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганилиб, ўтмишдаги ислохотларнинг бугунги кундаги аҳамияти асослаб берилган. Мақола якунида суд қарорларини қайта кўриш механизмини янада такомиллаштириш бўйича тарихий тажрибага таянган хулосалар илгари сурилган.

Жиноят ишлари бўйича суд қарорларини қайта кўриш (апелляция, кассация, тафтиш ёхуд назорат) институти Ўзбекистон ҳуқуқ тизимида узоқ тарихий ривожланиш йўлини босиб ўтди. Ушбу институтнинг шаклланиши собиқ Совет Иттифоқи давридаги қатъий марказлашган ва чексиз назоратга асосланган моделдан бошланиб, мустақилликдан кейинги даврда инсон ҳуқуқларини устувор қўйган, самарали ва ортиқча босқичлардан холи замонавий тизимга ўтиш жараёни сифатида характерланади. Қуйида бир қатор босқичларни кўриб чиқишимиз мумкин.

Совет давридаги асос – биринчи босқич (1924–1991 йиллар):

Ўзбекистон СССР таркибида бўлган даврда жиноят-процессуал ҳуқуқ собиқ Иттифоқ Жиноят-процессуал кодекси (ЖПК РСФСР 1960 йил ва унинг ўзбекча нусхаси) асосида тартибга солинган. Тарихан суд қарорларини қайта кўриш тизими қуйидаги босқичлардан иборат эди:

Апелляция — қонун кучига кирмаган ҳукм ва ажримлар устидан чекланган доирада (асосан фактларни қайта текшириш эмас, балки қонун нормаларининг тўғрилиги);

Кассация — қонун кучига кирган қарорлар устидан, фақат ҳуқуқий масалаларни текшириш (фактларни қайта ўрнатиш тақиқланган);

Назорат — Олий суд Раёсати орқали исталган вақтда, исталган қарорни протест асосида (кўпинча прокурор ташаббуси билан) қайта кўриш имконияти.

Бу тизимда назорат инстанцияси чексиз ваколатга эга бўлиб, суд қарорларининг барқарорлиги паст, муддатлар узоқ ва сиёсий таъсирлар кучли эди. Назорат орқали юқори инстанциялар пастки судларнинг ҳар қандай қарорини бекор қилиши мумкин эди, бу эса суд мустақиллигига жиддий путур етказган. Судорларининг ҳам барқарорлиги амалда таъминланмай келган.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари – иккинчи босқич (1991–1994):

1991 йил 31 августда мустақиллик эълон қилингандан сўнг, Ўзбекистон 1994 йил 1 апрелгача СССР ЖПК нормаларини вақтинча қўллаб келди. Бу даврда қайта кўриш институти совет моделининг деярли ўзгартирилмаган шаклида сақланиб қолди. Бироқ, янги давлат қурилиши жараёнида суд тизимини миллийлаштириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари долзарблашди. Натижада 1994 йил 22 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг биринчи мустақил Жиноят-процессуал кодекси (ЎРҚ № 2013-XII) қабул қилинди ва 1995 йил 1 апрелдан кучга кирди.

Кодексда суд қарорларини қайта кўриб чиқиш институти уч босқичда сақланди:

апелляция – қонун кучига кирмаган қарорлар устидан (20 кун муддат);

кассация – апелляциядан ўтмаган ёки апелляцияда кўрилмаган қонун кучига кирган қарорлар устидан;

назорат – Олий суд томонидан юқори инстанция қарорлари устидан.

Учинчи босқич – 1995-2020 йиллар мобайнида асосий тизим бўлиб қолди. Бироқ амалиётда қуйидаги муаммолар кузатилди:

апелляциянинг чекланган доираси (кўп ҳолларда фактларни қайта текшириш эмас);

кассациянинг фақат ҳуқуқий масалалар билан чекланиши;

надзорнинг чексиз ва кўпинча субъектив характердаги имкониятлари (прокурор протести орқали исталган вақтда қайта кўриш).

Тўртинчи босқич – 2017–2021 йиллар ислохотларнинг биринчи тўлқини ва назоратнинг тугатилиши билан таърифланади. Президент Ш.Мирзиёев даврида бошланган суд-ҳуқуқ ислохотлари суд қарорларини қайта кўриш институтини тубдан ўзгартирди. Энг муҳим қадам – 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ-664-сонли Қонунининг қабул қилиниши билан изоҳланади:

назорат инстанцияси бутунлай тугатилди – бу Ўзбекистон тарихида илк бор суд қарорларининг барқарорлигини таъминлаш йўлидаги муҳим ўзгариш бўлди;

қайта кўриш тизими аниқлаштирилди ва ваколатлар тизимли тарзда белгилаб берилди: апелляция → кассация → тафтиш → такрорий тафтиш;

кассация ваколатлари кенгайтирилди — биринчи ва апелляция инстанциялари қарорларини ҳам қайта кўриш жорий этилди;

судьяларнинг такрор иштироки тақиқланди (бир судья бир ишни бир неча марта кўра олмайди);

Апелляцияда англо-саксон ҳуқуқ тизимига мансуб бўлган қоида “de novo” (тўлиқ қайта кўриш) принципи кучайтирилди. Худди биринчи инстанцияга ўхшаб суд мажлиси муҳокамасини тўлиқлигича кўриб чиқади.

Ушбу ўзгаришлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, суд хатоларини тезроқ бартараф этиш ва ортиқча босқичларни қисқартиришга хизмат қилди.

Бешинчи босқич – 2023–2025 йиллар – энг замонавий ислохотлар ва тафтиш институтининг тўлиқ жорий этилиши саналади. Мазкур ислохотларнинг энг юқори

нуқтаси – 2023 йил 27 сентябрдаги ЎРҚ-869-сон Қонун (2024 йил 1 январдан кучга кирди):

апелляция шикояті муддати 20 кундан 10 кунга қисқартирилди. Кассация ваколоти вилоят ва унга тенглаштирилган судларга ўтказилди (аввал фақат Олий судда эди). ишни биринчи инстанцияга қайтариб юбориш амалиёти тўлиқлигича тугатилди – ҳар бир инстанция ўзи якуний қарор чиқариши шарт бўлди. Тафтиш тартиби тўлиқ жорий этилди — апелляция ва кассациядан ўтган қарорлар устидан ўрта бўғин судлари томонидан ишларни кўриб чиқиш тартиби, шунингдек фақат Олий судда такрорий тафтиш тартибида ишларни мазмунан кўриш тартиби жорий этилди.

Суд ишини тўла ҳажмда текшириш принципи кучайтирилди — шикоят/протест билан чекланмайди, барча маҳкумларга нисбатан ишлар тўлиқлигича текшириладиган бўлди. 2024 йил 25 мартдаги Олий суд Пленумининг 7-сон қарори апелляция ва кассация амалиётининг бир хил қўлланишини таъминлади, янги қоидаларни батафсил тушунтирди (масалан, янги далилларни қабул қилиш, муддатларни ҳисоблаш ва бошқалар).

Ретроспектив ривожланишнинг асосий тенденциялари шуки, Ўзбекистонда жиноят ишлари бўйича суд қарорларини қайта кўриш институти 30 йил ичида қуйидаги йўналишларда ривожланди:

биринчидан, чексиз назоратдан чекланган ва муддатли тафтишга ўтиш;

иккинчидан, ортиқча босқичларни қисқартириш (4 дан 3 га туширилди);

учинчидан, апелляция ва кассациянинг ваколатларини кенгайтириш ва аниқлаштириш;

тўртинчидан, суд қарорлари барқарорлигини ошириш ва инсон ҳуқуқларини устувор қўйиш;

бешинчидан, процессуал муддатларни қисқартириш ва рақамлаштириш йўналиши.

*суд қарорларини қайта кўришнинг эволюцияси
жадвал-1*

Давр	Институтлар сони	Асосий хусусиятлар	Мухим ҳужжатлар
1924–1991 (СССР)	3 (апелляция + кассация + надзор)	Чексиз надзор, прокурор протести, паст барқарорлик	ЖПК РСФСР 1960
1994–2020	3 (апелляция + кассация + надзор)	Надзор сақланган, муддатлар узок, субъектив таъсирлар	ЖПК 1994 йил
2021	Надзор тугатилди	Кассация кенгайтирилди, de novo принципи, такрор иштирок тақиқланди	ЎРҚ-664 (12.01.2021)
2023–2024 (ЎРҚ-869)	3 (апелляция + кассация + тафтиш)	Муддатлар қисқартирилди (10 кун), децентрализация, қайтариб юбориш тугатилди	ЎРҚ-869 (27.09.2023, 01.01.2024 дан)
2025 (ҳозирги ҳолат)	3 (амалиётда)	Тафтиш тўлиқ ишламоқда, қарорлар барқарорлиги ошмоқда, рақамлаштириш давом этмоқда	Пленум 7-сон (25.03.2024) + 2025 статистика

2025 йил биринчи чораги (январь–март) статистикасини таҳлил қилсак, қуйидаги рақамлар кўзга ташланади, яъни жами жиноят ишлари бўйича судларда – 20 мингга яқин иш кўрилди, 15 369 нафар шахс судланди, 108 нафар оқланди. Апелляция тартибида 2 064 та иш (2 706 нафар шахс), 92 та қарор бекор қилинди, 825 та

ўзгартирилди. Кассация тартибида 1 330 та иш (1 523 нафар шахс). Тафтиш тартибида (умумий): 1 360 та иш (1 598 нафар шахс), 46 та қарор бекор қилинди, 268 та ўзгартирилди. Олий суд тафтишида 240 та иш (286 нафар шахс). Энг кўп кўрилган жиноятлар: фирибгарлик, транспорт қоидаларини бузиш, ўғрилик ва гиёҳвандликка доир ишлар эканлиги қайд этилди.

*2025 йилнинг 1 чорагига кўра суд қарорларини қайта кўришга доир статистикаси
жадвал-2*

Инстанция	Ишлар сони	Шахслар сони	Бекор қилинган қарорлар	Ўзгартирилган қарорлар
Апелляция	2 064	2 706	92	825
Кассация	1 330	1 523	—	—
Тафтиш (умумий)	1 360	1 598	46	268
Олий суд тафтиши	240	286	—	—

Сўнгги йиллардаги ўзгаришларга эътибор берсак, таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2025 йилда тафтиш институти амалиётда тўлиқ ишлаб, ислохотларнинг самараси кўринди, десак тўғри бўлади. Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ ислохотларининг энг муҳим босқичларидан бири – тафтиш тартиби (supervisory review) 2024 йил 1 январдан кучга кирган ЎРҚ-869-сон Қонун асосида тўлиқ жорий этилди ва 2025 йил мобайнида амалиётда ўз самарасини кўрсатди. Бу институт собиқ назорат тизимидан принципаал фарқ қилади, яъни у чекланган муддатли, инсон ҳуқуқларини устувор қўйган ва ортиқча субъективликдан холи механизм сифатида шакллана олди.

2025 йилда тафтиш институтининг амалий ишлаши натижасида суд қарорларининг барқарорлиги ошди, бир вақтнинг ўзида адолатлилик ва инсон ҳуқуқлари ҳимояси кучайди. Олий суд маълумотларига кўра, тафтиш тартибида кўрилган ишлар сони ортиб, қарорларнинг ўзгариши/бекор қилиниши даражаси барқарорлашди. Бу ислохотларнинг энг муҳим натижаси — фуқароларнинг одил судловга ишончининг ошишидир.

Тафтиш тартибининг янги ва ўзига хос хусусиятлари Тўла ҳажмда текшириш принципи (full scope review) Тафтиш инстанцияси суди ишни фақат шикоят ёки протестда келтирилган далиллар ва далиллар билан чекланмайди. Иш барча маҳкумларга (ҳатто шикоят бермаганларга ҳам) нисбатан тўла ҳажмда қайта кўриб чиқилади. Бу хусусият инсон ҳуқуқларининг энг юқори кафолати ҳисобланади. Собиқ назорат тизимида шикоят/протест билан чекланиш кўпинча қисман текширишга олиб келган бўлса, янги тартиб суд хатоларининг барчасини бартараф этиш имконини беради. Амалиётда бу оқлашлар сонининг ўсиши ва маҳкумларнинг ҳуқуқларининг реал ҳимоясига олиб келмоқда.

Биринчи инстанция, апелляция ёки кассацияда тақдим этилмаган далиллар тафтишда қабул қилинади, агар уларни тақдим этиш имконияти шахсга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра бўлмаган бўлса (масалан, далил кечроқ топилган, гувоҳ кечроқ аниқланган ёки бошқа объектив сабаблар). Бу механизм суд хатоларини йўқотади ва ҳақиқатни аниқлаш принципини кучайтиради. Амалиётда бу жиноят ишларида янги далиллар орқали қарорларнинг адолатли ўзгартирилиши рақамларни ошишига олиб келмоқда.

Рақамлаштириш ва электрон тартибнинг тўлиқ жорий этилиши 2025 йилда электрон шикоятлар тизими, онлайн муддат ҳисоблаш ва суд ҳужжатларининг рақамли алмашинуви тўлақонли ишлади. Олий суд Пленум қарорлари орқали ягона амалиёт

таъминланишига эришилмоқда. Рақамлаштириш субъектив омилларни (масалан, муддатларнинг сунъий узоқлаштирилиши) камайтирди ва жараёни тезлаштирди. Бу фуқаролар учун қулайлик яратди ва суд юкласини оптималлаштирди. 2025 йилда муддатларга риоя қилиш даражаси сезиларли даражада ошди. Муддатлар билан боғлиқ қонунбузилишларига деярли йўл қўйилмади десак ҳам бўлади.

Экстерриториал (минтақавий) кўришнинг децентрализация тенденцияси 2025 йил август ойидаги ПФ-141-сон Фармон ("Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида") ва унга яқин ҳужжатлар асосида тафтиш ваколатларини децентрализация қилиш режалаштирилмоқда. Вилоят ва тенглаштирилган судлар фақат апелляция + кассация билан чекланади, тафтиш эса 5 та минтақавий (hududiy) судда ташкил этилиши кутилмоқда. Бу ўзгариш Олий судга юклама камайтириш, маҳаллий адолатни тезроқ таъминлаш ва суд тизимининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Ҳозирги ҳолатда тафтиш асосан Олий судда сақланиб қолмоқда, лекин 2026 йилдан бошлаб минтақавий тафтиш инстанцияларининг ишлаши тизимни янада самарали қилади.

2025 йил тафтиш институтининг "синовдан ўтиш" йили бўлди: янги хусусиятлар (тўла ҳажмда текшириш, янги далилларни қабул қилиш, рақамлаштириш ва децентрализация) амалиётда ўз самарасини кўрсатди. Бу ислохотлар Ўзбекистон суд тизимини халқаро стандартларга яқинлаштирди ва фуқароларнинг одил судловга ишончини оширди.

2026 йилда "Рақамли суд" концепцияси ва минтақавий тафтиш инстанцияларининг тўлиқ жорий этилиши билан бу тизим янада замонавий ва самарали бўлиши кутилмоқда. Ислохотларнинг асосий мақсади — суд қарорларининг нафақат қонуний, балки ҳақиқатан адолатли ва инсонпарвар бўлишини таъминлашдир. 2026 йил Ўзбекистон суд тизими учун тарихий ўзгаришлар йили бўлади: тажриба босқичидан республика миқёсидаги тўлиқ жорий этишга ўтилади. Концепция нафақат технология, балки инсон ҳуқуқларини кафолатлаш, давлатга ишончни ошириш ва одил судловни замонавийлаштиришнинг янги поғонасидир.

Ислохотлар «Ўзбекистон — 2030» стратегияси ва «Рақамли Ўзбекистон — 2030» дастури билан узвий боғлиқ. 2026 йил якунига қадар 5 та янги интерактив хизмат ва «Шахсий кабинет»нинг янгиланган версияси ишга туширилиши кутилмоқда. Мазкур концепциясига кўра, қуйидаги прогнозларга эътибор қаратишимиз лозим.

2026 йилдаги "Рақамли суд" концепциясининг истиқболли кўрсаткичлари
3-жадвал

№	Элемент / Функция	Тавсиф (2026 йилдаги ҳолат)	Кутилган самара
1	Тўлиқ электрон ҳужжат айланмаси	Суд ишларининг барча ҳужжатлари электрон шаклда, қоғоздан воз кечиш	Қоғозбозлик -90%, вақт тежаш 50–70%
2	Сунъий интеллект асосидаги ёрдамчилар	Автомат ҳужжат тайёрлаш, иш натижасини башорат қилиш, виртуал юрист-консультант	Инсон хатоси - 60%, шаффофлик +
3	Онлайн суд мажлислари ва видеоконференция	Фуқаролар уйдан туриб иштирок этиши мумкин	Транспорт харажатлари - , қулайлик +
4	my.sud.uz порталининг янгиланган версияси	Иш ҳолатини кузатиш, электрон нусхалар олиш, онлайн тўловлар, AI асосидаги жавоблар	Фуқаролар иштироки + , бюрократия -
5	Суд харажатларини	Автомат калькулятор ва электрон	Вақт тежаш,

№	Элемент / Функция	Тавсиф (2026 йилдаги ҳолат)	Кутилган самара
	онлайн ҳисоблаш ва тўлов	тўлов тизимлари	шаффофлик ошиши
6	Олий суддаги янги департамент	Рақамли технологиялар ва AI департаменти — лойиҳани бошқариш ва хавфсизликни таъминлайди	Тизимнинг марказлашган бошқаруви

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2026 йилга келиб суд тизимига СИ (AI) ва тўлиқ электрон ҳужжат айланмасининг жорий этилиши тафтиш инстанциясини «статик» ҳолатдан «динамик ва проактив» ҳолатга ўтказди. Бунда Рақамли суд тушунчаси пайдо бўлиб, у шахснинг процессуал ҳуқуқларини нафақат қонун билан, балки тизимли алгоритмлар билан ҳам ҳимоя қилади. Таклиф сифатида, тафтиш босқичида Сунъий интеллект хулосасини судья учун маслаҳат берувчи ҳужжат сифатида ЖПКда акс эттириш мақсадга мувофиқ саналади.

Жадвалнинг 1 ва 5-бандларида кўрсатилган қоғозбозликнинг 90% га камайиши ва вақтнинг 70% гача тежалиши бевосита инсон ҳуқуқларига хизмат қилади. Жиноят процессида шахснинг ноаниқ вазиятда (суд қарорини кутиш ҳолатида) бўлиши унинг руҳий ва ижтимоий ҳолатига салбий таъсир қилади. Рақамлаштириш орқали тафтиш шикоятини беришдан токи қарор қабул қилингунча бўлган вақтнинг қисқариши — шахснинг тезкор одил судловга бўлган ҳуқуқини таъминлайди.

2-банддаги AI ёрдамчилари ва инсон хатосининг 60% га камайиши тафтиш инстанцияси учун ўта муҳим. Тафтиш босқичининг асосий вазифаси — ҳуқуқий хатоларни топиш. AI тизими миллионлаб суд қарорларини солиштириш орқали судьяга "ўхшаш ишлар бўйича ягона амалиёт" ни таклиф этади. Бу эса бир хилдаги жиноят учун турлича жазо тайинланиши (субъективлик)нинг олдини олади ва жазонинг адолатлилиқ принципини мустаҳкамлайди.

3 ва 4-бандлардаги онлайн иштирок ва my.sud.uz портали фуқароларнинг макондан қатъи назар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишини кафолатлайди.

Тафтиш инстанцияси (айниқса Олий суд даражасида) пойтахтда жойлашганлиги сабабли, чекка ҳудудлардаги маҳкумлар ёки уларнинг яқинлари учун молиявий қийинчиликлар туғдирар эди. Виртуал иштирок — "иқтисодий номувофиқлик" ни бартараф этади: кам таъминланган фуқаро ҳам энг малакали адвокат ёки юқори инстанция суди билан бевосита мулоқот қила олади.

6-банддаги Рақамли технологиялар департаменти ва тизимнинг марказлашган бошқаруви инсон омилини камайтиради. Электрон ҳужжат айланмаси ва иш ҳолатини онлайн кузатиш (tracking) шикоятларнинг "йўқолиб қолиши" ёки муддатларнинг асоссиз чўзилиши каби ҳолатларга чек қўяди. Ҳар бир процессуал ҳаракатнинг рақамли изи (log) қолиши судьялар ва суд ходимларининг масъулиятини оширади.

И.Я. Фойницкий жиноят иши юритувида нафақат суд, балки судгача бўлган босқичда ҳам адолат таъминланишини илгари суради ҳамда ушбу фикрларни билдириб ўтади: "Жиноят процесси – бу нафақат жиноятчини жазолаш, балки беайб инсонга адолатсизлик қилинмаслигини кафолатловчи тартиб-таомиллар йиғиндисидир". Жиноят содир этишда айбланаётган ҳар бир инсон ҳимоя учун барча имкониятлар таъминланган ҳолда, очиқ суд мажлиси орқали айби аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланиш ҳуқуқига эга.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. — Тошкент: Адолат, 2024.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги «Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-11-сон Фармони.
4. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. — Тошкент: «Ўзбекистон», 2021.
5. Бердиев У. П. Жиноят ишларини кассация тартибида кўриш институтини такомиллаштириш муаммолари. Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси автореферати. — Тошкент, 2020.
6. Иноғомжонов З. Ф. Жиноят-процессуал ҳуқуқи. Дарслик. — Тошкент: ТДЮУ, 2018.
7. Рустамбаев М. Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. — Тошкент, 2010.
8. Маматов Х. Т. Суд ҳокимияти: Тарих ва ҳозирги замон. — Тошкент: «Академия», 2012.
9. Радченко В. И. Судебная реформа в Российской Федерации: Сборник законодательных актов. — М.: Юристъ, 2001. (Қиёсий таҳлил учун).
10. Global Study on Legal Aid. United Nations Office on Drugs and Crime. — Vienna, 2016. (Халқаро стандартлар учун).

INNOVATIVE
ACADEMY